

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДА АДОЛАТ МАСАЛАСИ

Хидиров Хошим Ибодуллаевич  
Жиззах политехника институти  
ўқитувчиси

Хидиров Хошим Ибодуллаевич  
Преподаватель Джизакского  
политехнического института  
Khidirov Khoshim Ibodullaevich,  
Teachers of Jizzakh Polytechnic  
Institute

Tel: 94-574-75-51, e-mail.

[xoshim2021@mail.ru](mailto:xoshim2021@mail.ru)

**Калит сўзлар:** Абу Наср Форобий, “Фозил одамлар шахри”, давлат, адолат, таълим-тарбия, фозил шаҳар, жамият, халқ ва ҳ.к.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Абу Наср Форобий асарларида адолат масаласининг устувор вазифа эканлиги, адолатли подшонинг амалга ошириши лозим бўлган ишлари ҳақида сўз боради.

**Ключевые слова:** Абу Наср Фаруби, «Город благородных людей», государство, справедливость, образование, благородный город, общество, люди и др.

**Аннотация:** В этой статье говорится о том, что проблема справедливости является приоритетной в творчестве Абу Насра аль-Фараби, и о том, что должен делать справедливый король.

**Key words:** Abu Nasr Farubi, “City of noble people”, state, justice, education, noble city, society, people, etc.

**Resume:** This article says that the problem of justice is a priority in the work of Abu Nasr al-Farabi, and what a just king should do.

Тарбия инсоннинг ижтимоий жихатдан ўз-ўзини англаши учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Форобий фикрига кўра, кишиларда туғма қусурларнинг бўлиши мумкин эмас ёки таълим-тарбия беришнинг имконияти бўлмаган кишилар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан у тарбияни мажбурий ва ихтиёрий равишда иккига бўлади. Икки хил кишилар борки, уларнинг айримлари ихтиёрий равишда қонунга бўйсундилар ва бундан лаззатландилар. Бошқа тур кишилар эса, жазоланишдан қўрқиб, ўз хохиш иродаларига қарши турган ҳолда қонунларга бўйсундилар.

Форобийнинг қонунга бўйсунуши ва ахлоқ борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Улуғ нарсаларга ва эҳтиросларни бўйсундиришга интилан киши аҳмоқона ишлар билан шуғулланмайди. Ахлоқий фозиллик, Форобий фикрига кўра, йиллар давомида шаклландиган одатдир. Бу адолат, донишмандлик, мардлик ва ҳоказоларга бўлган одатлардир. «Агар инсонда туғма кибр-ҳаво ва такаббурлик каби хусусиятлар бўлмаса-да, барибир у ўз қалбини

машқ қилдириши керак, чунки инсонда ўз севикли кишисининг кўпгина жинойтларини сезмаслик сингари туғма хусусият мавжуддир». Бу йерда Форобий инсоннинг ўз ҳисларини тута билиши, ҳиссиётни ақлга бўйсундириши, бир сўзлик ҳақида фикр юритади. Инсондаги ҳиссиётни тута билиш қобилияти унинг фазилати сифатида улуғланиши керак. Форобий жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга катта аҳамият берган мутафаккирдир. Чунки айнан ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади.

Форобийнинг “Фозил шаҳар”да ҳокимга қуйилган энг муҳим ҳислат сифатида адолатли бўлиш кераклигини кўяди. Адолат сўзининг мазмунида поклик, тўғрилиқ, ҳақиқат, мужассамдир. Инсоният яралгандан бери адолатни қадрлаб келган. Адолат бўлган жой гуллаб – яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат – оёқ ости қилинган жойларда эса разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

“Адолатнинг икки бош манбаи мавжуд: биринчидан, ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур”, “Адолат ғоясини рад этиб бўлмайди; у ахлоқ – одоб қонунларидан, ақл – идрок қонунларидан, омма ҳаётининг ўзидан келиб чиқади; адолат бошдан охир ҳаёт уфуриб турган сўздир”. “Шубҳасиз, ҳеч ким ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги тайёр тушунчалар билан туғулмайди, бироқ инсон табиати шундайки, маълум ёшга келганда бу ҳақиқатлар табиий йўсунда шакллана бошлайди”. Адолат Аллоҳни танишда, кишилар ўртасида ҳукм чиқарганда, оила фарзанд ўртасида одиллик билан иш тутишда ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Шу ўринда Арастунинг Искандарга насиҳатидаги адолат ҳақидаги фикрларни келтириш ўринлидир. “Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам, кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, Аллоҳ бандалари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл кўяди. Ўз ишларида икки сифатни эгаллашга интилиш керак. Бири, дилларни асир этиш. Бошқаси эса ишда саботли ва пайсалга солишдан сақланишдир. Чунки, ишларни бажаришга фурсат тополмай қолади. Агар уни бошқа кишига топшарса, иши янада оғирлашиб, катталашиб кетади ва кейин уни бажариб бўлмай қолади”.

Адолатпарварлик – инсондаги ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноб ва мард эканини кўрсатиб турувчи далилдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра кўркемроқ халқ ва табиат йўқ ундан кўра шарафлироқ ҳислат ва иқбол, таъсирлироқ наф қилувчи нарсани топиш амри маҳол. Адолатли бўлиш сўзида туриш, қатъийлик демакдир.

Форобийнинг фикрича, инсон доимо камолотга интилади. Лекин у қуруқ интилиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ҳаётдаги жуда кўп нарсалардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиатда бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш билан қўлга киритилади.

Форобийнинг фозил жамоа қуриш ҳақидаги таълимотига адолат ғояси асос қилиб олинган. Унда адолат жамиятдаги барча кишилар учун бахт – саодат

эшикларини очиб берувчи, барча учун керакли ва фойдали бўлган буюк неъмат эканлиги таъкидланади. Унинг юзага чиқиши учун муайян ижтимоий шарт – шароитлар, энг аввало, юксак ахлоқий ва маънавий асослар устига қурилган фозил жамоа бунёд этилмоғи лозим. Фозил жамоада одамлар фақат саъй – ҳаракатлари, фазилатли ишлари, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳамкорлик билан бахтга эришадилар. Демак, адолат фозил ҳукмдор раҳбарлигидаги фаолият натижасида юзага чиқадиган эзгу ишлар натижасидир.

Форобийнинг фикрича, ҳамма учун бахт – саодат эшикларини очиш имкониятини вужудга келтириш фозил жамоанинг ўз олдига қўйган юксак мақсадир. Бу мақсадни амалга ошириш учун донолик ва ақл – фаросат билан иш олиб боришимиз лозим. Фозил жамоанинг бошқа номукамал жамиятлардан фарқи шундаки, унинг фуқаролари инсоннинг ҳаётига боғлиқ бўлган фазилатли нарсаларга еришиш мақсадида бир – бирига кўмаклашадилар, жамият ҳаётида ўзаро ишонч, меҳр – муҳаббатни қарор топишига олиб келувчи хатти – ҳаракатларни амалга оширадилар.

Форобий адолатнинг барча соҳаларга тарқалишга зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “адолат – бу авваломбор барча жамоа аъзолари қарамоғидаги ижтимоий неъматларнинг (тўғри) тақсимотидир, ундан ташқари, кишилараро тақсимланган неъматларни сақлаб қолиш ҳамдир. Бундай неъматлар қаторига фаровонлик, бойлик, иззат – икром, ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни ва фуқароларнинг турмишига алоқадор бошқа неъматлар киради. Чунки жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзининг меҳнатига мувофиқ ҳолда бу неъматлардан тегишли ҳиссасини олиши керак. Шу боис агар бирор кишига бу неъматлар камроқ тақсим етилса, унга нисбатан адолатсизлик бўлади содир бўлади”.

Маълумки, Форобий дунёнинг, шу жумладан, инсоннинг Худо тамонидан яратилганлигини инкор қилмаган. Аммо инсон ҳеч нарсага қодир бўлмаган, кучсиз нарса эмасдир, у табиатдиги энг юқори жонзотдир ҳамда ақл – идроки туфайли дунёни англаб олади ва ўзига зарур нарсаларни яратади, дейди у. Унингча барча кишилар бир – бири билан туғулиш жиҳатидан тенгдир, уларнинг тақдири кўп жиҳатдан ўзларига боғлиқ. Бироқ атроф – муҳит, тарбия ва шахснинг ахлоқий камол топишига бўлиқ ҳолда инсон ёки яхши, ёки ёмон йўлга кириб кетиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан тарбиячиларга ва тарбияга маъсул бўлган давлат бошқарувчиларига бўғлиқ. Форобий маърифатли подшоҳ ва давлатда оқил қонун – қоидаларнинг мавжудлиги билан табиатан бир хил яратилган кишилар ҳар томонлама камол тапиши мумкинлигига ишонган.

Форобий юқоридаги фикрларни қабул қилади ва ўз тафаккури орқали сиёсат ва ҳукумат уйғунлигини топишга ҳаракат қилади, ҳамда ҳокимлар хусусидаги фикрларини илгари суради:

- Ҳокимга эга бўлиш учун чин истак эканлигини, унга бўйсунуши зарурлигини тушунтиради ва бундан келадиган фойдани кўрсатади.

- Давлатда ҳокимлар ва бўйсунувчилар бўлган тақдирдагина у ерда қонунлаштириш баркамол бўлиши мумкин.

- Ҳокимлар асл олижаноб оқсоқоллар сингари, улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак.

- Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлса, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутди.

- Ҳокимларнинг нодонлиги эса, халқ учун катта зарардир.

- Ҳокимнинг тарбияли, бошқарувчининг кўнгилдагидек бўлиши шаҳар (давлат) аҳолиси учун жуда муҳим. Бу баданга овқат, кемага маллоқ (денгизчи) керак бўлгани каби зарурий нарсадир.

- Соҳиби қонуннинг мақсади айнан ҳокимларга қаратилган бўлиши белгиланган мақсад чўзилиб кетмаслиги, унинг қонуний абадий бўлиб қолмаслиги зарур.

- Ҳоким қасаддан ҳоли бўлиши керак.

- Мамлакат аҳолисининг бошқарув силсиласидаги қонунларга риоя қилишларини ва бўйсунушларини таъминлаш учун ҳокимият зарур бўлади.

- Мамлакат аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади.

- Агар ҳукмдор, зарурат юзасидан ва шаҳар аҳолиси учун эмас, балки ўз одатига кўра, ҳокимиятга эга бўлса, бундай ҳокимият қораланади.

- Шаҳарни (давлатни) итоатда сақлаш учун бошқарувчига эҳтиёж бўлиши ҳам мумкин. У шаҳарни итоат қилдиради, қонунларни жорий қилади ва бу қонунлар қанчалик илоҳий, адолатли бўлса, шунчалар тақсинга сазовор ҳисобланади.

- ҳокимият ихтиёрий қабул қилинганда кўпроқ маъқул ва ҳар томонлама қулай ҳисобланади, чунки ҳоким ўз ҳукмини тавсия қилиш билан уларга қисқа муддатда ўзларини тузатиб олишларига имконият яратиб беради. Агарда ҳоким шаҳар (давлат) ўз ҳокимия-тини тавсия қила олмаса, ишлар мушкуллашади, ҳокимнинг фойда келтиришига имконият бўлмай қолади. Хайрли ишларни амалга ошириш чўзилиб кетади.

- Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув ёмон қонунларга, етук бошқарув етук қонунларга боғлиқ.

- Ҳоким нималарга эътибор бериши керак? Бу аввало, моддий ҳузур, сўнгра руҳий кейин ўз навбати билан улардан ташқари бўлган барча нарсалар.

- Одамлар тўғри йўлдан боришда ва амалда қонунларни ҳурмат қилиш, ҳамда бошқалар учун сақлаб қолишни мажбур қилишда соҳиби қонунларга, ҳокимларга тақлид қиладилар.

- Илоҳий қонунни идрок этишга тайёргарлик кўриш ва қуйидаги икки ғояни амалга ошириш учун ҳокимиятга муҳтожлик пайдо бўлади. Бу ғоялардан бири – саъй ҳаракати. Ҳунарлари ва мақсадлари адолатли қонунларга, ҳокимларга қарашли бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни (давлатни) тозалашдир. Бошқа бир ғоя панд-насихат йўли билан фаровонликка интилиш ва одамларнинг илоҳий қонунни осонликча ва қувонч билан қабул қилишларини таъминлашдир.

Зеро, бугунги кунда адолатли ва қатъиятли, жонкуяр ҳоким-у амалдорлар, шу юрт келажаги ва халқ фаровонлиги учун масъулиятли раҳбар ходимларга эга бўлиш давр талабидир.

Дарҳақиқат, жамиятни, давлатни бошқариш, халққа раҳнамолик қилиш – энг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифадир. Жамият ҳаётида фаол иштирок этиш сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий

хаётда бевосита қатнашиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш жараёнида инсоннинг нечоғлик маънавиятли-маърифатлилиги, иймон-еътиқодлилиги, сўз ва иш бирлиги, ҳалол-у поклиги, халқпарвар ва ватанпарварлиги, ички дунёси орқали намоён бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Muhiddinova F. “Forobiy siyosiy – huquqiy ta’limotida qonun va qonunchilikni takomillashtirish konsepsiyasi”. Toshkent, 2005, 55-bet.

2. Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri”. Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993, 159-160-betlar.

3. Ibodullaevich, K. K., & Bahromovna, T. D. (2020). CORRUPTION: CONCEPT, GENESIS, EVOLUTION AND SURVIVAL TRENDS. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 409-413.

4. Ibodullaevich, K. K., & Kizi, U. G. K. (2021). TYPES, FORMS OF CORRUPTION, CAUSES AND CONSEQUENCES. Scientific progress, 1(4).

5. Хидиров, Х. И., Қаюмов, А., & Рашидова, Р. (2021). КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ПАРАДИГМАЛАР. Scientific progress, 1(4).

6. xidirov, xoshim. (2021). THE UNITED KINGDOM HAS A SPECIAL TEXTBOOK FOR DETECTING FACTS OF CORRUPTION. Журнал Горизонты Филологии, 2(2). извлечено от